



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

**BUYRUG'I**

20 18 yil "28" 11 898 -son

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 21.11.2018 даги 949-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2018 йил 2 ноябрдаги 19598-хх-сон топшириғи ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 949-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор О.И.Худойбердиев, ўқув ишлари бўйича проректор Т.А.Набиев, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.С.Нормахаматов, молия-иқтисод ишлари бўйича проректор З.О.Казаковга:

1.1. Институт фаолиятини ёритишга қаратилган замонавий кўринишдаги, сифатли ишланган веб-сайтларни ва тарқатма материалларни (буклетлар, видеороликлар, қисқа мазмундаги проспектлар) шакллантириш (ўзбек, рус, инглиз тилларида, шунингдек, ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларининг давлат тилида) чораларини кўриш ҳамда хорижий фуқароларни республика олий таълим муассасаларига (жумладан, бакалаврият, магистратура, докторантурага) жалб этиш юзасидан, зарур ҳолларда, хорижга хизмат сафарига чиққан ҳолда тарғибот ишларини олиб бориш бўйича топшириқ сўзсиз ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

1.2. Институтнинг янгиланган веб-сайти ҳолати бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мунтазам мониторинг ўтказилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб ишчи гуруҳ ташкил этилсин ва унинг таркиби тасдиқлансин.

1.3. Институт фаолиятини ёритишга қаратилган замонавий кўринишдаги, сифатли ишланган веб-сайт ва тарқатма материалларни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

1.4. Топшириқлар ижросини таъминлашда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Расмий веб-сайтлари таркибий тузилмаси бўйича ахборот жойлаштиришга минимал талаблар" ва "Видеороликлар, брошюралар тайёрлаш бўйича йўриқнома"га амал қилинсин.

2. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни шахсан ректор томонидан ишчи гуруҳ (У.Бегимкулов)га топширилиши белгилаб қўйилсин.

Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман

Ректор

ASLIGA TO'G'RI

